

## **НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ**

Зафаржон Назаров Мўминжонович,

Наманган шаҳар “Ziyokor Academy” ўқув маркази тарих фани ўқитувчиси  
nazarov\_zafarjon@mail.ru Телефон: +998 94 309 06 44(телеграм)

Наманган вилояти ҳудудидаги агро, эко туризм, давлат, уй музейларининг туризм ривожидаги ўрни, археологик ёдгорликларнинг халқаро туризм масканларига айлантирилиши, тиббиёт ва зиёрат туризмининг ривожланиши, вилоятда янги туристик манзилгоҳларнинг ташкил этиш истиқболлари, ички ва ташқи туризмнинг тараққиётида хориж тажрибасини ёритиб беришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда

Наманган вилояти ҳудудида тарихий ва археологик туризм соҳалари тадрижий асосда ривожланиш кенг имкониятлари фақатгина Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина пайдо бўлди. Шунга қарамасдан бир қатор тарихчи ва археолог олимларимизнинг хизматларини айтиб ўтиш жойиз хусусан, Я.Ғуломов, З.И.Усманова, О.А.Папахристу, Л.С.Баратова, Б.А. Латинин, И.Маленков, А.Н.Бернштам, А.Шлезлар И.Ахроров, А.Асқаров, А.Анарбоев, Г.Мирзалиев, А. Аширов, Т.Қозоқов ва бошқаларнинг археологик тадқиқотлари, бир қатор мақола ва рисолалари муҳим ўрин тутади.

Наманган вилоятидаги тарихий обидаларни ҳақоний тарихини ёритиш, бир қатор ҳудудларни халқаро туризм маконига айлантириш, дунё музейлари, кутубхоналарида сақланаётган туризм обеъктларга оид осориатиқаларни аниқлаш каби кенг кўламли вазифалар қўйилди.

Қадимги Фарғона ўлкасида пойтахт вазифасини ўтаган Ахсикент, Косон каби шаҳарлар, қадимий маданият ўчоқлари.

Наманган вилоятидаг Ахсикент, Мунҷоқтепа, Мугтепа, Буонамозор, Қўрғонтепа каби ёдгорликлар тарихий ва археологик туризмни жадаллик билан ривожлантириш манбалари ҳисобланади.

Наманган вилояти ҳудудидаги археологик масканларга оид Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Президентининг тегишли фармойиш ва қарорлари эълон қилинди.

-2018 йил 6 февралдаги мамлакат Президентининг “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509-сонли қарори;

-2017 йилнинг 16 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилоятининг Тўрақўргон туманида «Ахсикент»

археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида” 831-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур тарихий, археологик худудларда миллий байрамларимиздан “Наврӯз”, “Мустақиллик”, Рамазон ва Қурбон ҳайити каби байрамларни ўтказиш, турли хил юбилейларни ўтказиш мумкин. Масалан, Алишер Навоий ва Захиридин Муҳаммад Бобур, Амир Темурнинг таваллуд айёмларига бағишиланган кечаларни ташкил қилиш мумкин.

Наманган вилоятидаги туристик аҳамиятига эга мажмуаларга маҳаллий ҳамда хорижий зиёратчилар ва сайёҳларнинг кенг кўламли ташрифларини ташкил этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўриб борилмоқда.